Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 29 ИЮЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 151 (13.214)

Баҳоси эркин нархда

MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ 25 O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ







ЁШЛАР ИЖРОСИДА ВАТАН МАДҲИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг вазирлик тизимидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик туйғуси билан йўғрилган қўшиқлар яратилишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Энг яхши қўшиқларни танлашда ижро маҳорати, матн ва куйнинг ўзаро уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ғолиблар уч номинация бўйича аниқланди. Саф қўшиқлари ижросида кичик сержант Ботир Ҳожиев, эстрада ва мумтоз қўшиқлар йўналишида кичик сержант Баҳодир Исломов ғолиб бўлди. Сержант Умиджон Ҳайдаров ва шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскар Шерзод Набихўжаев ҳарбий-ватанпарварлик қўшиқларини ижро этишда биринчи ўринни эгаллади.

– Мазкур танлов ҳарбий хизматчиларда Ватанга муҳаббат ва у билан фахрланиш туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, – дейди Ш.Набихўжаев. – Мусиқа кайфиятни кўтаради, яхши қўшиқ эса кишига куч бағишлайди, эзгу ишларга ундайди. Бугунги танловда ҳам шундай қўшиқлар янгради ва у иштирокчилар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

Ғолиблар "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг мамлакат босқичида иштирок этади.

М.ҚАРШИБОЕВ,
ЎзА мухбири

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ "ЎЗБЕК МОДЕЛИ"

Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов 1990 йил 3 августда бўлиб ўтган йиғилишлардан бирида республикада барча соҳалар қатори таълим тизими ҳам бутунлай издан чиққани, ўқув муассасалари ачинарли аҳволга келиб қолганини аниқ рақам ва далиллар асосида кўрсатиб ўтади. Ушбу муаммоларни ҳал этиш борасида фикр-мулоҳазаларини баён этар экан, Президентимиз бундай дейди: Бизга кадрлар тайёрлашнинг махсус миллий дастури керак. Бу дастур умумтаълим мактабларида дарс бериш сифатини ҳар томонлама юксалтириш, энг истеъдодли болалар учун мактаблар очиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун чет эллардаги энг яхши марказларга ёшларни юбориш каби устувор вазифаларни ўзида мужассам этиши лозим.

Ана шу улуғ мақсадлар йўлида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Дастур ижросининг биринчи босқичида мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий томонларини сақлаб қолиш баробарида уни тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, илмий-услубий ҳамда иқтисодий шарт-шароитларни яхшилашга қаратилган улкан ишлар амалга оширилди. Иккинчи босқичда таълим тизимининг жамиятдаги ўзгариш ва янгиланишлар, барча соҳаларда кадрларга доир мавжуд эҳтиёж билан уйғун бўлишига эришилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели яхлит ва тизимли бўлиб, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ўзида мужассам этган. Мазкур дастур мамлакатимиз иқтисодиёти ва ҳаётининг барча жабҳалари учун юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга хизмат қилаётгани таълим тизимининг "ўзбек модели" юксак самаралар бераётганидан далолатдир.

9+3 схемаси самаралари

Истиқлол йилларида миллий таълим тизимида "академик лицей", "касб-ҳунар коллежи" деган янги тушунчалар пайдо бўлди. Замонавий ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини шакллантиришга хизмат қиладиган ушбу муассасалар узлуксиз таълим соҳасининг ажралмас қисмига айланди.

Академик лицейлар давлат таълим стандартларига мос равишда ўрта махсус таълим беради, ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишини, имконият ва қизиқишлари асосида чуқурлаштирилган, профилли, дифференциаллашган, касбга йўналтирилган ўқитишни таъминлайди. Касб-ҳунар коллежлари давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради, ўқувчиларнинг касб қизиқишлари, малака ва кўникмалари чуқур ривожланишини, танлаган касби бўйича бир ёки бир қанча ихтисосликларни эгаллашига хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида хотин-қизлар форуми ўтказилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия ташкилотлари раҳбарлари, "Аёллар қаноти" аъзолари, спортчи қизлар, ҳунармандлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танловининг Сурхондарё вилояти босқичида 14 фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи учта шарт бўйича ўзаро баҳслашди. Тадбир доирасида маҳаллаларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва миллий ҳунармандлик буюмлари кўргазмаси намойиш этилди.

● Термизда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан салбий экологик оқибатларнинг олдини олишда давлат экологик экспертизасини ўтказиш самаралари мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" республика танловининг "Йилнинг энг фаол ёш кимёгари" номинацияси бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди. Иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари доирасида 14 номинация бўйича ўтказилаётган танловнинг ҳудудий босқичларида 1 минг 500 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасада фаолият юритаётган 700 нафар ёш мутахассис иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Хитойнинг Чжухай шаҳрида дунёдаги энг йирик AG600 русумли самолёт-амфибиянинг илк тақдимоти ўтказилди. Самолёт-амфибия учиш қурилмаси бўлиб, сувда ҳам, қуруқликда ҳам махсус операцияларни ўтказиш учун мўлжалланган. Мазкур қурилма лойиҳаси давлат авиақурилиш корпорацияси — "AVIC" томонидан ишлаб чиқилди. Унинг максимал оғирлиги 53,5 тоннани ташкил этади. Самолёт учиш имконияти 5,1 минг от кучига тенг бўлган тўртта "WJ6" турбовинтли двигателларга асосланган.

● АҚШда ўтказилган машҳур ёзувчи Эрнест Хемингуэй қиёфадошлари танловида Дэйв Хемингуэй исмли қатнашчи ғолиб бўлди. Қизиғи шундаки, ғолиб ёзувчининг ҳеч қандай қариндоши ҳисобланмайди. Маълум бўлишича, Хемингуэй фамилияси киши танловнинг 36 йиллик тарихида илк бор ғолиб бўлди.

● Рудольф Брожс исмли австриялик олим узоқ йиллар давом этган изланишлар натижасида саратон касалига даво топди. У кашф қилган қизил лавлаги, сабзи, сельдерей, картошка ва редискадан тайёрланган шарбат иммунитетни оширади, қонни касалликлардан тозалайди ва танада яширин энергияни уйғотади. Энг муҳими, саратон ҳужайраларини осонлик билан ўлдиради. Ҳозиргача 54 минг киши ушбу шарбат билан даволаниб, яхши натижаларга эришди ва саратон балосидан тўлалигича халос бўлди.

Парламент эшитуви

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури бажарилишининг бориши тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Парламент эшитувида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг раҳбарлари, ахборот соҳаси мутахассис ва экспертлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида таъкидлаганидек, бугунги кунда глобал иқтисодиётда компьютер ва телекоммуникация технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар асосида кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Х.Мирзоҳидов Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури телекоммуникация технологиялари, алоқа тармоқлари ва инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Комплекс дастур доирасида умумий қиймати 2,1 триллион сўмлик 17 лойиҳа, шунингдек, "электрон ҳукумат" тизимининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базасини ташкил этишга доир 28 тадбир ва лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бунинг самарасида яқин истиқболда давлат ва жамиятнинг самарали ахборот-коммуникация инфратузилмасига бўлган эҳтиёжи таъминланади.

Айни пайтда солиқ, коммунал соҳа, божхона, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга ахборот тизимлари кенг жорий этилган. Хусусан, бундай тизим солиқ соҳасида ҳисоботларни тўлиқ электрон шаклда топширишга ўтиш, солиқ тўловчилар учун элликдан зиёд замонавий интерфаол хизматлар кўрсатиш имконини берди. Божхона соҳасида товарларни декларациялаш, экспорт-импорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш электрон тарзда амалга оширилаётгани самарасида товарларни божхонада расмийлаштириш ҳамда бошқа тегишли хизматлар кўрсатиш жараёни уч кундан бир кунга қисқарди. 2016 йилнинг биринчи ярмида божхона юк декларацияларининг 159 мингдан ортиғи ёки 100 фоизи электрон шаклда тўлдирилди.

Тадбирда ахборот тизимларининг жорий этилиши нафақат хизматлар кўрсатиш жараёнини оптималлаштириш ва соддалаштириш, балки бу жараёнда маблағ тежалишига ҳам хизмат қилаётгани таъкидланди. Масалан, давлат электрон харидларини амалга ошириш учун ташкил қилинган "Харид" тизими жорий йил биринчи ярмида электрон кимошди савдоларида 56 миллиард сўмдан зиёд маблағни тежаш имконини берди.

Ахборот-коммуникация технологиялари электрон тўловларни ривожлантириш соҳасида ҳам кенг қўлланилаётгани қайд этилди. Чакана тўловларни реал вақт режимида ҳисоблаш клиринг тизими солиқ, мажбурий ва коммунал тўловларни онлайн режимида тўлаш имкониятини сезиларли равишда оширди. Жумладан, интернет тармоғи орқали онлайн-транзакциялар 1,6 баробар кўпайди ва 58,7 миллионни ташкил қилди, фойдаланувчилар эса 1,8 марта кўпайиб, 1,2 миллион кишидан ошди. Бугунги кунда аҳоли коммунал хизматлар учун тўловларнинг 62 фоизини электрон шаклда тўламоқда.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали ривожланиб, янги йўналишларни қамраб олмоқда. Айни пайтда портал орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 289 замонавий хизмат кўрсатилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида солиқ ва статистика ҳисоботларини тўлиқ электрон шаклда топшириш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, лицензия ҳамда рухсат берувчи ҳужжатларни олиш учун ариза тақдим этиш, шунингдек, аҳолига электрон мурожаатларни кўриб чиқиш, архив маълумотномаларини бериш, нафақа олиш, болаларни мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш учун ариза топшириш каби хизматлар кўрсатилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ “ЎЗБЕК МОДЕЛИ”

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бир вақтлар ўрта мактабни тамомлаганларнинг маълум фоизигина олий ўқув юртларига кириш имкониятининг мавжудлиги боис минглаб ёшлар бирор касб-ҳунарсиз, замонавий билимларсиз “бармоғини тишлаб” қоларди. Саноқли техникум ва халқ тилида “ПТУ” деб аталувчи ўқув даргоҳларида эса тракторчилик, чилангарлик каби тор доирада таълим бериларди.

Бугунги кунда ҳаётимизга муваффақиятли татбиқ этилган умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимининг мутлақо муҳим ва янги бўғинидир. 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизимини ўзида мужассам этган ушбу бўғин келажагимиз эгаларига умумтаълим фанлари билан бирга икки-уч мутахассислик бўйича замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллаш, ахборот технологиялари ва чет тилларини ўзлаштириш имконини бермоқда.





Ҳар бир ўқувчи эътиборда

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказидан маълум қилишларича, бу йил умумтаълим мактабларининг 9-синфини 476 минг 616 ўқувчи битирди. Уларнинг 7,5 фоизи академик лицейларда, 92,5 фоизи касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттириш истагида ариза топширган.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар умумдавлат таснифлагичи мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларида кадрларга бўлган эҳтиёжга асосан тегишли вазирлик, корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида ҳар йили қайта кўриб чиқилиб, қўшимчалар киритилмоқда. Бугунги кунда мазкур тизимда 91 тайёрлов йўналиши, 239 касб ва 670 ихтисослик мавжуд.

– 2016/2017 ўқув йилидан йигирма иккита касб-ҳунар коллежи қайта ихтисослаштирилди, – дейди Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари Хайрулла Зикриллаев. – Масалан, Марҳамат қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи – Марҳамат қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежига, Шофиркон педагогика коллежи – Шофиркон педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежига, Бахмал иқтисодиёт коллежи – Бахмал хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежига, Касби тумани озиқ-овқат саноати касб-ҳунар коллежи – Касби озиқ-овқат саноати ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежига, Самарқанд шаҳар маиший хизмат касб-ҳунар коллежи – Самарқанд саноат ва қурилиш касб-ҳунар коллежига айлантирилди. Бу йил муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари, қишлоқ ва сув хўжалиги, хизмат кўрсатиш йўналишларига янада кўпроқ ўқувчилар қабул қилинди. Ёшларнинг яшаш манзилига яқин бўлган ўрта махсус таълим масканларида ўқишини таъминлаш мақсадида Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида 2 тадан, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида биттадан касб-ҳунар коллежи филиаллари очилди.

Ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига йўналтиришда қизларга алоҳида эътибор қаратилаётир. Педагоглар, амалиётчи-психологлар, ҳуқуқшунослар, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари фаоллари ҳамкорлигида ота-оналарга қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, оиласи мустаҳкам бўлиши, фарзандларини баркамол этиб тарбиялаши, ўз ҳуқуқ ва бурчларини танишида ўқиш ва касб-ҳунар эгаллашнинг аҳамияти кенг тушунтирилмоқда.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш умумий ўрта таълим негизида мактабларнинг 9-синфини битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва умумий ўрта таълимни тугатишда улар томонидан олинган рейтинг кўрсаткичлари натижалари, шунингдек, ўқиш жойи ва йўналишини ихтиёрий равишда танлашини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Қабул чоғида битирувчига унинг қобилияти, касб-ҳунарга қизиқишига кўра касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари томонидан бериладиган тавсияномалар инобатга олинаётир.

Қабулнинг тасдиқланган кўрсаткичидан ортиқча аризалар тушган коллеж ёки лицейда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан синов имтиҳонлари ўтказилади. Қувонарлиси, ўқувчиларни имтиҳонлар асосида қабул қилаётган коллежлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу мамлакатимиз тараққиёти, ҳаётимиз фаровонлигини кўзлаб изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини фуқаролар янада чуқур англаётгани, ёшларда ўз келажагига эътибор ва ишончнинг, Ватанимиз тараққиётига дахлдорлик туйғусининг ортиб бораётгани ифодасидир.

Ҳаётнинг энг ёрқин палласи

Академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида таҳсил олиш ҳар бир ёш учун ҳаётнинг энг ёрқин палласидир. Бу даврда йигит-қизлар чуқур билим олиб, ўзи қизиққан касб-ҳунарни эгаллаб келажаги учун мустаҳкам пойдевор яратишга, салоҳиятини намоён этиб, жамиятда ўз ўрнини топишга интилади.

Мамлакатимизда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари замонавий билим ва малакага эга ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлашга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда 144 академик лицей, 1411 касб-ҳунар коллежида жами 1 миллион 500 мингга яқин ўқувчи таҳсил олмоқда.

Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу йил академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 11 ўқувчиси, умуман, 2000 йилдан буён тизимдаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган юздан зиёд қиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Президентимиз раҳнамолигида ёшлар камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, кўрсатилаётган юксак эътиборга жавобан ўқувчилар дунё миқёсидаги турли кўрик-танлов ва халқаро фан олимпиадаларида улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда намоён этмоқда.

Мамлакатимизда жаҳон стандартларига мос спорт иншоотлари базасига эга 15 олимпия захиралари коллежида спорт мутахассислари тайёрланмоқда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўтказилаётган “Баркамол авлод” спорт мусобақаларида қатнашган ўқувчилар қитъа ва жаҳон чемпионатларида ҳам фахрли ўринларни эгалламоқда. Ўтган йиллар давомида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими даргоҳларининг 846 ўқувчиси нуфузли халқаро турнирлар совриндори бўлди.

Мамлакатимизда “коллеж – корхона” ҳамкорлиги мунтазам йўлга қўйилгани ўқувчиларни ишлаб чиқариш ўқув амалиётига жалб қилиш ҳамда уларни касбга йўналтириш, бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳунар – оқар булоқ, билим – ёнар чироқ

Ёз мавсуми, айниқса, ёшлар учун ўзгаришларга бой бўлади. Ўсмир йигит-қизлар йилнинг айнан шу даврида ҳаётидаги энг муҳим қарорлардан бирини қабул қилади. 9-синфни тамомлаган ўқувчилар ўз билимини янада бойитиши учун академик лицей ёки касб-ҳунар коллежига ҳужжат топширади. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини битирган йигит-қизлар эса ўз олдида турган икки йўлдан бирини танлайди: ёки олий ўқув юртида ўқишни давом эттиради, ёки эгаллаган касби бўйича меҳнат фаолиятини бошлайди.

Олий ўқув юртларида тест имтиҳонлари ўтказилиб, синовлардан муваффақиятли ўтганлар талабалик аталмиш олтин давр остонасига қадам қўяди. Ўқишга киролмаганлар бироз ранжиши мумкин, аммо бекор, беэътибор қолмайди. Негаки, улар коллежда камида иккита касбни пухта эгаллаган, битирув арафасида имзоланган тўрт томонлама шартнома бўйича ишга жойлашиш имкониятига эга.

Халқимизда ҳунар – оқар булоқ, билим – ёнар чироқ, деган пурҳикмат мақол бор. Зеро, қўлида ҳунари бор инсоннинг хонадонида қут-барака булоқ суви мисоли доимо оқиб туради. Билим юксак манзилларга, баланд марраларга элтувчи йўлларни худди чироқ каби ёритади. Севган касб-ҳунари, юксак билими бор инсон ҳаёт йўлларида қоқилмайди, ўз орзу-мақсадларига етади. Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг “ўзбек модели” асосида ҳар бир болага шахс сифатида ёндашилиб, уларнинг замонавий билим олиши ва касб-ҳунар эгаллаши учун барча шароит яратилгани замирида ана шундай эзгу муддао мужассамдир.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

ТАНЛОВ ЯКУНЛАРИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Парламент комиссияси раиси А.Саидов ва бошқалар истиқлол йилларида мамлакатимизда жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий-молиявий шароитлар яратилганини таъкидлади.

Бундай эътибор натижасида нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат ва жамият ҳаётининг кўплаб соҳаларига фаол кириб бормоқда. Жамоат ташкилотлари иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-гуманитар, санъат ва маданият соҳаларида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Парламент комиссияси фуқаролик жамияти институтлари, айниқса, ҳудудлардаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш, уларнинг фаоллигини ошириш, ижтимоий, маданий-маърифий, таълим-тарбия соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлардаги иштирокини кучайтиришга доимий эътибор қаратмоқда.

2016 йилнинг ўтган олти ойи мобайнида жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг юзга яқин лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди.

Тадбирда Парламент комиссияси томонидан 2016 йилда эълон қилинган учинчи ва тўртинчи танловларнинг якуни сарҳисоб қилинди. Танловлар орқали фуқаролик жамияти институтларининг аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, маънавиятини юксалтириш, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, ибратли қадриятларимизни асраб-авайлаш, болалар спортига оид кўплаб лойиҳалар қўллаб-қувватланди. Уларнинг ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбирлар Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

Энг улуғ, энг азиз айём – истиқлол байрамига бағишланган тадбирлар ва танловларни юксак савияда ўтказиш билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинди.

ФАОЛ ВА ФИДОЙИ ШИФОКОРЛАР

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилаётган “Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси” танлови изланувчан, юқори малакали мутахассисларни аниқлаш имконини бермоқда. Шу кунларда уч босқичда ва 14 номинация бўйича ташкил этилган мазкур танловнинг тармоқ босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ўқув марказида “Йилнинг энг фаол ёш шифокори” номинацияси бўйича мамлакат босқичи ўтказилди. Унда тиббиёт масканларида меҳнат қилаётган ва танловнинг қуйи босқичларида ғолибликни қўлга киритган ёш мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг замонавий касб-ҳунарларни эгаллаб, етук мутахассислар бўлиб етишиши учун барча шароит яратилгани таъкидланди.

“Йилнинг энг фаол ёш шифокори” номинацияси бўйича беллашувнинг илк босқичида тиббиёт масканларида меҳнат қилаётган мингга яқин ёш мутахассис-шифокор қатнашди. 35 ёшгача бўлган врачларнинг касб беллашувида қатнашчилар ўз билим ва салоҳияти, тиббиёт соҳасидаги янги инновацион ғоя ва ишланмаларини намоён этди.

Танлов жараёнида тақдим этилган ғоя ва лойиҳанинг аҳамияти, долзарблиги, ёш мутахассиснинг касбига садоқати, фидойилиги, изланувчанлиги каби жиҳатлар билан бирга фаол фуқаролик позицияси, маънавияти каби мезонларга алоҳида эътибор қаратилди.

“Йилнинг энг фаол ёш шифокори” номинацияси бўйича ўтказилган танловда Тошкент педиатрия тиббиёт институти “Суд тиббиёти, тиббиёт ҳуқуқи ва патологик анатомия, секцион курси” кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси Шерзод Рўзиев биринчи ўринга лойиқ топилди.

– Қандли диабет касаллигини дерматоглифик усулда ташхислаш бўйича тадқиқот олиб боряпман, – дейди ЎзА мухбирига Ш.Рўзиев. – Бу усул касалликни замонавий тарзда, кам иқтисодий сарф-харажатлар ёрдамида ташхислаш, унга мойил бўлган одамлардаги илк аломатларни барвақт аниқлаш имконини беради. Жамият ҳаётининг қайси жабҳаси бўлмасин, ёшларнинг фаоллиги, изланиши доимий эътибор ва рағбатда экани бизни руҳлантиради.

Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази жарроҳ-колопроктологи Азиза Атоева иккинчи, Андижон давлат тиббиёт институти “Акушерлик-гинекология” кафедраси ассистенти Садоқатхон Шокирова учинчи ўринни эгаллади. Турли йўналишлар бўйича ҳам совриндорлар аниқланди. Ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология марказида соҳани ривожлантириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

БОЖХОНА СОҲАСИ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Унда сўзга чиққан Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари Ғ.Шукуров ва бошқалар божхона тизимида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётганлиги, хусусан, соҳада кинология хизматининг ривожланаётгани мамлакатимизга кириб келаётган товар ва маҳсулотларнинг хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Марказий Осиёда ягона бўлган Миллий кинология маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 24 октябрдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, ўтган 20 йил мобайнида нафақат республикамизда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида инспектор-кинолог ва хизмат итларини тайёрловчи таянч ўқув марказига айланди.

Бугунги кунда ушбу марказда нафақат Давлат божхона қўмитаси, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар учун малакали кинологлар ва хизмат итлари ўргатилиб, кинология соҳасида ўқув-услубий база яратилади. Ўқув курсларида кинолог курсантлар гиёҳванд моддалар, қурол-аслаҳа ва портловчи моддаларни қидириш, ҳимоя-қоровул хизмати, из-қидирув, қидирув-қутқарув йўналишларида назарий ва амалий тайёргарликдан ўтказилади.

Марказда махсус курсларни ўташ учун барча шарт-шароит яратилган. Компьютер синфи, махсус жиҳозланган ўқув хоналари, иммитация хонаси, кинология соҳасига оид ўқув адабиётлар ҳамда дала шароитини тўла-тўкис акс эттирувчи машқ майдончаларига эга.

Соҳага ахборот-коммуникацион технологияларни илғор равишда жорий қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2014 йилда кинологлар хизматини тўлақонли ташкил қилиш, божхона назоратини амалга оширишда хизмат итларидан самарали фойдаланиш, кинология хизмати йўналишида амалга оширилаётган ишлар бўйича маълумотларни реал вақт режимида жамлаш ва таҳлил қилиш жараёнларини автоматлаштириш мақсадида “Кинология хизмати” автоматлаштирилган ахборот тизими ишлаб чиқилди.

Мазкур тизим божхона органлари ҳисобидаги хизмат итларининг ҳисобини юритиш, хизмат итлари учун ветеринария профилактик тадбирларни ўтказиш, кинолог томонидан хизмат ити ёрдамида аниқланган ҳолатларни таҳлил қилиш, божхона кўригида хизмат итларининг иштирокини таъминлаш, амалий машғулотларни ойлик режаларга асосан ўз вақтида ўтказилишини назорат қилиш ҳамда статистик ҳисоботларни юритиш имконини беради.

Марказ фаолияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти ва бошқа кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан юксак эътироф этилган. 2008 йилда марказга Жаҳон божхона ташкилоти томонидан Минтақавий кинология маркази мақоми берилган.

2010 йилда Жаҳон божхона ташкилотининг бош котиби мамлакатимизга ташрифи доирасида Миллий кинология марказида бўлиб, бу ерда яратилган шарт-шароитларга юксак баҳо берди. Бу эса мамлакатимизга таҳдид солаётган гиёҳванд моддалар савдоси, терроризм, қурол-яроғларнинг ноқонуний савдоси каби жиддий хатарларга қарши самарали курашиш борасида бой тажриба тўпланганининг яққол далилидир.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олишди.

Абдуалим САЛИМОВ

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иқтисодиёт реал сектори тармоқларига замонавий ахборот тизимлари, дастурий маҳсулот ва технологияларни кенг жорий қилиш бу соҳадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Бугунги кунда акциядорлик компаниялари, бирлашмалар ва йирик саноат корхоналарида ахборот тизимлари ҳамда дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича умумий қиймати 53,7 миллиард сўмлик 79 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш орқали иқтисодий самарага эришиш имконини бермоқда. Хусусан, “Ўзметкомбинат” акциядорлик жамиятининг бошқарув жараёнига ахборот тизимларининг жорий этилиши самарасида ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган хомашё харажатлари 10-11 фоиз камайтирилди. “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамиятида сарф-харажатларни 10 фоиз, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматини 5 фоиз пасайтиришга эришилди.

Айни пайтда дастурий маҳсулотлар бозорида фаолият юритаётган 330 дан зиёд корхона томонидан 2016 йилнинг биринчи ярмида қиймати 84 миллиард сўмликдан ортиқ хизматлар кўрсатилди.

Комплекс дастурда телекоммуникация инфратузилмасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Сўнгги йилларда маълумотлар узатиш магистрал тармоқларининг халқаро йўналиш бўйича ўтказувчанлик қобилияти 10 марта, вилоятлар марказларигача 4, туман марказларигача 10, Тошкент шаҳрида 10 марта ошди.

Тадбирда депутатлар Комплекс дастурдаги лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш, электрон хизматлар орқали фуқароларимиз турмуш сифати, тадбиркорлик фаолияти учун шароитларни яхшилаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш масалаларига эътибор қаратди.

Эшитувда Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан фуқаролар мурожаатлари асосида кўтарилган масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Депутатлар миллий телекоммуникация тармоғини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, “электрон ҳукумат” инфратузилмасини такомиллаштириш борасида эришилган натижаларни қайд этган ҳолда Комплекс дастурнинг алоҳида бандлари етарли даражада бажарилмаётганига ҳам эътибор қаратди. Аҳоли компьютер саводхонлигини ошириш, фуқароларни электрон давлат хизматларидан фойдаланиш механизмлари ҳақида хабардор қилиш борасида амалга оширилаётган ахборот-тушунтириш ишлари сифатини тубдан яхшилаш зарур.

Эшитув чоғида Ўзбекистон сиёсий партиялари ва Экологик ҳаракати гуруҳи ўз низом ва дастурий ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда муҳокама этилган масалалар юзасидан муносабат билдирди.

Парламент эшитувида Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонуни ва Комплекс дастур ижросини таъминлаш бўйича зарур қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жадвалини тузиш, миллий ахборот қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)



ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 1

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
7.40 "Чуст пичоқлари". Х/ф.
7.50 "Иқлим".
8.00 "Таҳлилнома".
8.35 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
9.10 "Нурли ришталар".
9.30 "Чиннигул". Т/с.
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Фикр. uz".
11.40 "Устурлоб".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Бу ҳам муҳим". Ток-шоу.
13.40 "Ҳунар сирлари".
13. 50 "Иқлим".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Ҳидоят сари".
14.45 "Менинг боғим".
15.05 "Таҳлил-25".
15.30 "Мўъжизалар макони".
16.00 "Заковат".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Суҳбатдош".
17.25 "Электр нурлари". Х/ф. 1-қисм.
17.55 "Менинг ҳуқуқим".
18.05 "Анонс".
18.20 "Имконият".
18.40 "Севги сароблари". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Чиннигул". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Муносабат". Ток-шоу.
22.25 - 23.50 "Ўрмонзорлар ўлкасида". Б/ф.
23.50 "Менинг боғим".
00.05 "Имконият".
00.20 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 Миллий кино "Жасур".
3.50 "Анонс".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
5.10 – 5.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Қиличми, тўқмоқ?" Б/ф.
7.20 "Ўзбек адабиёти".
7.30 "Қизлар мактаби".
8.00 "13-студия".
8.30 "Изабелла". Т/с.
9.50 "UzEX".
10.00 "Камолот"-инфо".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Хотирам синиқлари".
12.00 "Сарой табиби". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Август". Б/ф. 1-қисм.
15.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол шукуҳи".
16.00 "Давр".
16.10 "Терра-Нова". Т/с.
17.00 "Камолот" инфо".
17.10 "Муваффақият калити".
17.30 "Испан афсонаси". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Фан ва ёшлар".
21.00 "Сарой табиби". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Гирдоб". Б/ф. 1-қисм.
00.10 "Табиат қўшиғи".
1.10 "Мўъжизавий дунё".
2.00 "Афсона ва ҳақиқат".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Бахт маликаси". Т/с.
10.45 "Мобильная камера".
11.15 "Қадриятлар маскани". Х/ф.
11.45 "Пойтахт-культура".
12.15 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
12.50 "Poytaxt-avto".
13.15 "Телетаҳлил".
13.45 "Poytaxt-reportaj".
14.10 "Тошкент вақти".
16.10 "Сени дедим". Т/с.
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Рангли телевизор".
17.50 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Пойтахт-авто".
18.30 "Ҳимоя".
18.50 "Poytaxt-Hi-tech".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Сени дедим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Сифат назорати".
21.30 "Пойтахт-авто".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Превосходство". Х/ф.
00.05 "Пойтахт-культура".
00.20 "Ҳикматли дунё". "Бахт ови".
1.10 "Пойтахт йўлларида".
1.35 "Кинотакдим".
2.15 "Бахт кўрғони".
2.45 "Эртамиз эгалари".
3.10 "Мен сизга айтсам".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 Мадҳия.
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қорақалпоқ спорти".
6.30 "Бизнинг спорт".
7.00 "Sport-online".
8.00 Талқин.
8.35 Интерфутбол.
10.20 "Техноспорт".
10.35 Волейбол.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.00 От спорти.
14.00 Хабарлар (ўзб).
14.20 Дзюдо. Гран-при турнири.
15.30 "Rekord.uz".
16.35 Теннис.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Эътироф".
18.15 "Техноспорт".
18.30 Хабарлар (рус).
18.50 "Болалар спорти".
19.15 Дзюдо. Гран-при турнири.
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар (ўзб).
20.55 Трамплиндан сакраш. Ёзги Гран-при турнири.
22.00 "Шоҳсупага йўл".
22.45 Профессионал бокс.
23.40 "Матонат".
00.00 Мадҳия.
00.05 Белбоғли кураш. Осиё чемпионати.
00.50 "Эътироф".
1.00 Хабарлар.
1.25 Дзюдо. Гран-при турнири.
2.40 "Спортчи қизлар – Ўзбекистон ифтихори".
3.25 Трамплиндан сакраш. Ёзги Гран-при турнири.
4.30 "Техноспорт".
4.40 – 6.00 Теннис.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
6.40 "Турфа маслаҳат".
7.05 Миллий кино. "Демак севасан".
8.25 "Теран илдизлар".
8.45 "7 кун нафаси".
9.00 Миллий кино. "Катта одам".
10.10 "Маҳалламиз спортчилари".
11.00 "Юксалиш мезонлари".
11.25 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
12.05 "Маҳалламиз маликаси".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Мактуб".
14.15 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал. "Қуёши ботмайдиган юрт".
15.30 "Ноёб институт".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 Миллий сериал. "Фидойилар".
16.35 "Фермер".
17.00 "Ихтиро".
17.25 "TV анонс".
17.30 "Очиқ дарс".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Менинг маҳаллам".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
19.00 Миллий сериал. "Қисмат битиги".
19.30 "TV анонс".
19.35 "Чироғи ёниқ уй".
20.00 "Халқ виждони". Ток-шоу.
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Ёлланган совчи".
22.30 "TV анонс".
22.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Осуда ҳаёт".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Маҳалламиз Зулфиялари".
23.35 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
00.35 "Нуроний фасл".
1.00 Миллий кино. "Мактуб".
2.15 "Бизнес ва тараққиёт".
2.45 "Маҳаллам ҳақида".
3.05 Миллий сериал. "Қуёши ботмайдиган юрт".
3.40 "Идрок харитаси".
4.00 Миллий сериал. "Фидойилар".
4.40 "Хатарли қармоқ".
5.20 – 6.00 "Меҳр қолур". Ток-шоу.

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.30 "Боғбон болажон".
8.50 "Эртаклар оламида".
10.00 "Қувноқ алифбо".
10.30 "Болалар учун фильм".
11.50 "Қовоқвой ва Чаноқвой".
13.00 "Мультипанорама".
14.00 "Катта танаффус".
14.20 "Ланди-ланди".
14.30 "Мультипанорама".
16.00 "Табиатга саёҳат".
16.30 "Эртаклар оламида".
17.50 "Болажонлар саҳнаси".
18.00 "Сеҳрли қўллар".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Саргузаштлар ороли".
20.00 "До-ми-соль".
20.20 "Мультипанорама".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Ота меҳрини кўрмаганлар". Б/ф.
7.35 Миллий кино. "Зумрад ва Қиммат".
9.15 Саргузашт фильмлар экрани. "Қочиш режаси".
11.05 "И грянул шторм". Х/ф. Премьера.
13.00 Кундузги сериал. "Баҳор таронаси". 1-қисм.
14.05 "Аёл бардоши". Б/ф.
15.55 Болалар экрани. "Шимолнинг зотдор ити". Б/ф.
17.10 "Мериголд" меҳмонхонаси". Б/ф.
19.05 "Брюс Ли ҳақида афсона". Т/с. Премьера. 21-қисм.
19.55 Миллий кино. "Қурилишдаги бурилиш".
21.05 "Ҳафта юлдузи". Ритик Рошан. Кинокўрсатув.
21.25 Болливуд туҳфаси. "Гоҳи шодлик, гоҳи ғам". Б/ф. 1-қисм.
22.45 "Гоҳи шодлик, гоҳи ғам". Б/ф. 2-қисм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Экипаж". Х/ф. Премьера.
2.20 "Дерсу Узала". Б/ф.
4.35 "Кўза". Қисқа метражли фильм.
5.00 – 6.00 Миллий сериал. "Чархпалак". 1-қисм.

ЧОРШАНБА, 3

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
7.40 "Юртим таровати". Х/ф.
7.50 "Иқлим".
8.00 "Ахборот".
8.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
9.10 "Фикр. uz".
9.30 "Чиннигул". Т/с.
10.00 "Буюк тарих бугун тикланмоқда". Беруний.
10.10 "Учбурчак". Ток-шоу.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Кунларнинг бирида".
11.30 "Гап". Б/ф.
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Баркамол авлод".
13.30 "Мўъжизалар макони".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Имконият".
14.25 "Иқлим".
14.35 "2016 йил – Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
14.55 "Менинг ҳуқуқим".
15.05 "Анонс".
15.20 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
16.20 "Одил суд".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Парламент ҳаёти".
17.25 "Электр нурлари". Х/ф. 3-қисм.
17.55 "Менинг боғим".
18.15 "Кучли фуқаролик жамияти сари".
18.40 "Севги сароблари". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Чиннигул". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Бизнес-старт".
22.05 – 00. 05 "Аҳдга садоқат". Б/ф.
00.05 "Менинг боғим".
00.25 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 Миллий кино. "Алпомиш". 2-қисм.
3.50 "Анонс".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
5.10 "Кунларнинг бирида".
5.30– 5.55 "Бизнес-старт".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Ўйин". Б/ф.
7.20 "Бетакроримсан".
7.30 "Қизлар мактаби".
8.00 "13-студия".
8.30 "Изабелла". Т/с.
9.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Ўзингни ўзинг асра".
11.40 "Давр мавзуси".
12.00 "Сарой табиби". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Изтопар". Б/ф.
15.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол шукуҳи".
16.00 "Давр".
16.10 "Терра-Нова". Т/с.
17.00 "Истиқлол тенгдошлари".
17.10 "Баркамоллик йўлидан".
17.30 "Испан афсонаси". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Фан ва ёшлар".
21.00 "Сарой табиби". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Чумоли-одам". Б/ф.
00.20 "Сеҳрли қўллар".
1.10 "Мўъжизавий дунё".
2.00 "Афсона ва ҳақиқат".
3.30 "Соғлом ҳаёт".
3.50 "Нуқтаи назар".
4.30 "Оналар мактаби".
5.00 "Қалпоқ". Ҳажвия.
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Бахт маликаси". Т/с.
10.45 "Poytaxt-madaniyat".
11.15 "Ҳимоя".
11.35 "Тошкентнома".
12.15 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
12.50 "Poytaxt-intervyu".
13.15 "Кўзгудаги биз".
13.45 "Мобильная камера".
14.10 "Тошкент вақти".
16.10 "Сени дедим". Т/с.
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Сифат назорати".
17.50 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
18.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Poytaxt-reportaj".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Сени дедим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Очиқ мулоқот".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Золушка". Х/ф. 2-қисм.
00.05 "Пойтахт-Hi-tech".
00.15 "Ҳикматли дунё". "Имконият".
1.00 "Кўнгил ҳайратлари".
1.30 "Poytaxt-madaniyat".
1.40 "Биз буюк юрт фарзандлари". Х/ф.
2.15 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
2.45 "Мен сизга айтсам".
3.20 "Бахт кўрғони".
3.55 –5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 Мадҳия.
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Камолот" спорт".
6.40 "Ифтихоримсан, спорт".
7.00 "Sport-online".
8.00 Хабарлар.
8.15 Футбол. Олий лига. "Обод" – "Кўқон – 1912".
10.05 "Эътироф".
10.15 Интерфутбол.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.00 Автомотоспорт.
14.00 Хабарлар (ўзб).
14.20 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
15.30 Трамплиндан сакраш. Ёзги Гран-при турнири.
16.35 Теннис.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Эътироф".
18.15 "Техноспорт".
18.30 Хабарлар (рус).
18.50 Футбол. Олий лига "Локомотив" – "Навбаҳор". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда "Спорт-маркет".
21.00 Хабарлар (ўзб).
21.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Спортчи қизлар – Ўзбекистон ифтихори".
22.05 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
23.20 "Машҳурлар".
23.50 "Техноспорт".
00.00 Мадҳия.
00.05 Гандбол. Жаҳон чемпионати.
1.20 Хабарлар.
1.45 Футбол. Олий лига "Локомотив" (Тошкент) – "Навбаҳор" (Наманган).
3.25 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
4.40 – 6.00 Теннис.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
6.35 "Маҳаллам ҳақида".
6.55 "Фотокўзгу".
7.00 Миллий кино. "Куёвимсан куёв".
8.30 "Кун нафаси".
8.40 "Очиқ дарс".
9.05 Миллий сериал. "Қисмат битиги".
9.35 "TV анонс".
9.40 "Ноёб институт".
10.05 "Табиат шифохонаси".
10.35 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
11.05 "Биламизку, аммо".
11.30 "Изҳор".
11.35 "Табаррук анъана".
12.00 "Маҳалламиз болалари".
12.30 "Маҳалламиз Зулфиялари".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Дилхирож".
14.10 "Халқ виждони". Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал. "Қуёши ботмайдиган юрт".
15.30 "Чироғи ёниқ уй".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 Миллий сериал. "Фидойилар".
16.35 "Қадр топган қадриятлар".
17.05 "TV анонс".
17.10 "Осуда ҳаёт".
17.35 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Обод юрт одамлари".
18.25 "Чуст пичоқлари". Ҳужжатли фильм.
18.40 "Эҳтиёж формуласи".
19.00 Миллий сериал. "Қисмат битиги".
19.30 "TV анонс".
19.35 "Соғлом турмуш".
19.55 "Изҳор".
20.00 "Ён қўшним – жон қўшним".
20.25 "Қишлоқ қўйнидаги бахт".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Фарёд".
22.30 "TV анонс".
22.35 "Қайнона бисотидан".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Қариси бор уй".
23.35 "Етти хазина".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
00.35 "Юксалиш мезонлари".
1.00 Миллий кино. "Дилхирож".
2.15 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
3.00 Миллий сериал. "Қуёши ботмайдиган юрт".
3.35 "Теран илдизлар".
4.00 Миллий сериал. "Фидойилар".
4.40 "Йўлга чиқдик".
5.10 –6.00 "Маҳалламиз маликаси".

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.30 "Боғбон болажон".
8.50 "Эртаклар оламида".
10.00 "Қувноқ алифбо".
10.30 "Болалар учун фильм".
12.00 "Қағилдоқ".
12.50 "Ширинтой-кичкинтойлар".
13.00 "Мультипанорама".
13.50 "Ақлли планшет".
14.10 "Рассом болажон".
14.30 "Мультипанорама".
15.40 "Болажонлар саҳнаси".
